



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 1 март, шанба • №17 (11.508)

Эркин нархда сотилади

Вилоят ҳокимлигида

ТЕКШИРИШ САМАРАДОРЛИГИ БИЛАН ҚАДРЛИ

Назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда назорат идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар бўйича ҳудудий ишчи комиссиялари раисларининг ўринбосарлари, солиқ идораларининг бошлиқлари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳудудий комиссиясининг раиси, вилоят ҳокими Умнат Мирзақулов бошқарди.

Комиссия раисининг ўринбосари, вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи Мирзохид Комиловнинг хўжалик юритувчи субъектларни назорат идоралари томонидан 2002 йилда текширилишини мувофиқлаштириш яқунлари ва бу ишни янада такомиллаштиришга оид ахбороти тингланди. Ўтган йили фаолият юритаётган 21 минг хўжалик субъектидан 3196 тасида, ёки 15,2 фоизда 10 мингдан биров ортиқ текшириш ўтказилди. Текширилган корхоналарнинг миқдори бир йилда 481 тага камайдди. Аини пайтда бу ишнинг самарадорлиги кўтарилиб, ўтган йили 83,6 фоизни ташкил этди.

Текширишлар мобайнида 8386 ҳолатда хўжалик юритувчи

субъектларнинг фаолиятида турли қонунбузарликлар, хато ва камчиликлар аниқланди. Умуман, 11,4 миллиард сўм миқдоридagi иқтисодий-молиявий жарималарни ундириш ҳақида қарорлар қабул қилинди. Давлат бюджетига 8 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ундириб олинди.

Вилоятимизда кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналарининг миқдори йил сайин ортиб бораёпти. Сўнгги бир йилда улар 1667 тага кўпайди. Шунга қарамаздан назорат идораларининг улар фаолиятини текширишлари камайиб бораётди. Чунончи, кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналарини текширишлар бир йилда 3 фоизга камайган.

Бирок, комиссия йиғилишида таъкидландики, бир қатор шаҳар ва туманларда хануз текши-

(Давоми 2-бетда).



ЁШИНГ НЕЧАДА, НАВРЎЗ?

Дарвоқе, Наврўз неча ёшда? Бу саволга жавобан буюк аждодимиз, шоир, муаррих, қиссанавис Носириддин Рабғузий ўз асарларидан бирида шундай лутф қиладилар: «Кун ҳамалга кирди эрса, келди олам Наврўзи». Демакки, Наврўз ҳар йили ҳамал кириши билан янгидан тугилади. Бинобарин, у ҳеч қачон қаримайди, аксинча, борлиқни ҳам яшартиради, гарчи, 5 минг йилдан буён халқимизнинг энг севимли байрами сифатида нишонлаб келинаётган бўлса-да. Яъни, Наврўз — Янги кун, Янги йилнинг бошланиши. У бутун борлиқни уйғотади, замин бағрига илиқлик бериб, ўсимлик дунёси борки, амал олдирди. Бу вақтда деҳқону чорвадор, боғбону соҳибкорнинг, яхши маънода, пайтавасига

қурт тушади. Улар ўз даласи, боғи, яйлови томон ошиқади.

Тошкент туманидаги Абдурахмонов номли ширкат хўжалигида ҳам шу кунларда баҳорги ишлар қизғин тус олган. Хўжалиқда 184 гектар боғ бўлиб, етти хилдаги мевали дарахтлар парвариш қилинмоқда. Тажрибали боғбонлар Йўлдош Носиров, Рустам Тошўлатов ва Асомиддин Насриддинов бошчилигида боғларга ишлов, дарахтларга шакл берилмоқда.

СУРАТДА: тажрибали боғбонлар (чапдан) Йўлдош Носиров, Рустам Тошўлатов ва Асомиддин Насриддинов Наврўз тараддуди билан боғлиқ режалар ҳақида ўртоқлашмоқдалар.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Анжуман

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

«Нуроний» жамғармасининг Тошкент вилоят бўлимида 2002 йил яқунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Бошқарув раиси Н. Насимовнинг ўтган йил яқунлари ва навбатдаги режалар, «Обод маҳалла йили» дустуридан келиб чиқадиган вазифалар ҳақидаги маърузаси муҳокама қилинди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Абдукарим Раҳимбердиев билан Адиба Аҳмаджонова сўзга чиқишди.

Йиғилиш раёсат таркибига айрим ўзгаришлар киритиб, тегишли қарор қабул қилди.

«Ташаббус — 2003»

БУ ГАЛ ЧИРЧИҚДА ЎТДИ

Вилоятимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик муттасил ривожланиб, унда қатнашаётган ишбилармонлар сафи кенгайиб бормоқда.



СУРАТДА: (чапдан) кўрик-танлов ғолиблари — тадбиркор Виктор Цой, ҳунарманд Башорат Нуруллаева ва фермер Маматқул Саломов.

Натижада янги мулкдорлар синфи шаклланди. Бунинг учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилапти. Бундан мақсад у келажакда ривожланган мамлакатлардаги каби иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғига айланишига эришишдир. Шу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўзининг салмоқли самараларини бермоқда. Ўтган хўжалик йилининг бу соҳадаги яқунлари ҳам шундан далолат бериб турибди.

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик тузилмаларининг вилоятимиз иқтисодиётидаги мавқеи сезиларли даражада мустаҳкамланди. Бир йилда уларнинг сони деярли 3 мингтага

(Давоми 2-бетда).

ДОРИ-ДАРМОНЛАР ТОПШИРИЛДИ

«Обод маҳалла йили»га бағишлаб, «Аёллар ва болаларда темир танқислиги камқонлигининг олдини олишнинг замонавий усуллари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Республика «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва унинг Тошкент вилояти бўлими, Гематология ва қон куйиш институти, соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда уюштирилган бу анжуманда «Соғлом авлод учун», «Ибн Сино», «Оила», «Камолот», «Маҳалла» жам-

фармалари вилоят бўлимлари раҳбарлари ва вакиллари, педиатрлар, терапевтлар қатнашдилар.

Шунингдек, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига Американинг «Ситти Хоуп интернешнл» ташкилотидан олинган 3 миллион сўмлик дори-дармонлар топширилди.

МАЛАКАЛИ

ЖАВОБЛАР ОЛИШДИ

Олмалик шаҳрида «Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимининг ислоҳоти. Бугун ва келажак» мавзусида маслаҳат-ўқув йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақирғи Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда «Маънавият ва маърифат» марказининг вилоят бўлими ва вилоят Адлия бошқармаси ташаббуси билан уюштирилган ушбу тадбирда жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар, фуқаролик ишлари бўйича Охангарон ҳудудлараро судларининг судьялари, маҳалла кўмиталари раислари, мактаб ўқувчилари ва коллеж талабалари қатнашишди.

Ўз мухбиримиз.

Тошкент вилояти ҳокимининг
ҚАРОРИ

Иккинчи чақирғи халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XV сессиясини чақиритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига биноан қарор қиламан:

Иккинчи чақирғи халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XV сессияси 2003 йил 4 март куни соат 10.00да Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Вилоят ҳокими
Тошкент шаҳри, 2003 йил 26 февраль.

У. МИРЗАҚУЛОВ.

Бугунги кунда мамлакатимиз иктисодиётини ислох қилиш жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ҳолисона, малакали ва чуқур ёритиш давр талабидир. Шу мақсадда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекс. Ахборот-таҳлил бошқармаси, "Ўзтеледиорадио" компанияси билан ҳамкорликда журналистлар учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Журналистлар учун семинар

Семинарда ижтимоий-иктисодий муаммоларга ихтисослашган журналистлар учун мунтазам равишда давра суҳбатлари ташкил этиш, уларни тегишли статистик ва бошқа маълумотлар билан таъминлаш, бу ишга вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва етакчи мутахассисларини, фан ходимларини, жамоатчилик вакиллари кенг жалб этишга келишиб олинди. Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

ЎЗА.

ҲОМИЙЛАРНИНГ САВОЛИ БОР

Тошкент Давлат аграр университетида факультетлараро «Заковат» танлови ўтказилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад талабаларнинг фанлар бўйича билимларини оширишдан иборат.

Талабалар тарих, биология, фалсафа, ҳуқуқ, иктисодиёт ва ихтисослик фанлари бўйича, шунингдек, бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари, кичик ва ўрта корхоналарнинг раҳбарлари саволларига жавоб топишди. Зеро, тадбирга ҳомийлик қилишни ҳам шу меҳмонлар ўз зиммаларига олишган.

Ўз мухбиригимиз.

ХАЙРЛИ ИШНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

«Бунёдкор» ёшлар телеклуби ташаббуси билан «Ўзбекистон ёшларининг Афғонистон ёшларига тўхфаси» доирасида инсонпарварлик ёрдами тўпланмоқда. Шу мақсадда бир қатор олий ўқув юртиларида йиғилишлар бўлиб ўтаётти.

Ҳозирги кунда Афғонистонда 2 миллиондан ортиқ ўқувчи бор. Улар қонли урушлар сабабли мактабда билим олмадилар. Уларга моддий ва маънавий кўмак сифатида ўзбек, форс, урду, инглиз тилида чоп этилган китоблар, кийим-бош, ўқув

қуроллари тўплаб жўнатиш мўлжалланаяпти. Батафсил маълумотлар учун 137-72-17, 137-72-18 телефонлар орқали «Бунёдкор» ёшлар телеклубига муурожаат қилиш мумкин.

Ўз мухбиригимиз.



кўпайди. 29 минг 702 та ишчи ўринлари барпо этилди. Бу билан ишсизлик каби кескин муаммонинг ҳал қилинишига салмоқли ҳисса кўшилди. Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 36 фоизи шундай тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келмоқда. Иқтисодиётнинг бу тармоғини тараққий эттиришга банклар томонидан ажратилаётган кредитлар ҳам катта ёрдам бермоқда.

Ўтган йили бундай сармояларнинг жами ҳажми 13 миллиард сўмни ташкил этди. Сал кам 6,3 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги кредитлар маблағларидан ҳам фойдаланилди.

Тошкент вилоят ҳокимининг соврини учун уюштирилган «Ташаббус — 2003» кўрик-танловида ана шу салмоқли рақамлар тилга олинди. Бу гал у Чирчиқда бўлиб ўтди. Шаҳарда тадбиркорлик тузилмаларининг ривожланишига кучли туртки бўлади-ган бу тадбирга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди. Эрта тонгдан карнай-сурнай садо-лари янграб, чирчиқликларни бу тадбирга чорлади. «Кимёгар» маданият саройи ва унинг атрофидаги майдону ҳибонлар байрамона қиёфага бурканган эди. Саройда вилоятимиздаги шаҳар ва туманлар бўйича уюштирилган танловларда голиб чиқиб, унинг вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган

(Давоми. Боши 1-бетда).

БУ ГАЛ ЧИРЧИҚДА ЎТДИ

тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, хунармандлар маҳсулотлари кўйилган. «Ташаббус — 2003» кўрик танловини ўтказувчи хайъат аъзолари ҳар бир стенд олдида унинг ижодкорлари билан суҳбатлашишарди, томошабинлар эса уларни кўплаб саволга тутардилар.

Кўрик-танловни вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдуҳамид Йўлдошев очди. Шундан кейин тадбирнинг расмий қисми бошланди. Унинг иштирокчилари бўлган тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ва хунармандлар ўз соҳалари бўйича беллашишга киришдилар. Голибларни «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер» ва «Энг яхши хунарманд» деган номлар кутарди.

Маданият саройи саҳнасига биринчи бўлиб тадбиркорлар таклиф этилдилар. Уларнинг сафида йигирма киши бор эди. Уларнинг ҳар бири ўзининг меҳнат фаолияти ҳақида қисқача гапириб

ТОШКЕНТГА САЁХАТ

Оҳангарон тумани «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси Гулчеҳра Пўлатованинг саёй-ҳаракатлари ва ташаббуси билан кичик ва ўрта бизнес соҳасида иш бошлаган бир гурӯҳ тадбиркор аёллар учун Тошкентга саёхат уюштирилди.

Улар, аввало, «Тадбиркор аёл» уюшмаси вилоят бўлимида бўлиб, кичик бизнеснинг катта имкониятларини рўёбга чиқариш борасидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида суҳбатлашдилар.

Шу кун оҳангаронлик тадбиркор хотин-қизлар шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, шунингдек, Темурийлар тарихи Давлат музейини томоша қилдилар.

Муқаддас АЛИЕВА.

берди, хайъат томонидан тайёрланган иккитадан саволга жавоб бериб, назарий билимларини ҳам намойиш этдилар. Ҳакамлар хайъати тадбиркорлик йўналиши бўйича Чирчиқдаги «Латофат» хусусий фирмаси раҳбари Виктор Цойга юқори баҳо қўйди ва уни биринчи ўринни эгаллашга лойиқ деб топди. Ўртачирчиқ туманидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган «Саид — Овул» фермер хўжалиги раҳбари Маматқул Саломов «Энг яхши фермер» номини олишга муяссар бўлди. Хунармандлар ичида Ўртачирчиқ тумани вакили — зардўзлик билан шуғулланиб келаётган Башо-

лар лойиқ деб топилдилар. Фермерлар йўналиши бўйича Оққўрғон туманидан «Покиза-М» ва Қибрай туманидан «Нур Фаррух» фермер хўжаликлари соҳиблари Абдумалик Каримов ҳамда Фахриддин Нуримовлар ҳам шундай ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Хунармандлардан қибрайлик Маҳмуд Жуманиёзов ва паркентлик Марғуба Нишонова-ларга ўз соҳалари бўйича иккинчи ва учинчи ўрин берилди.

Кўрик-танловда аънаанага мувофиқ таъсис этилган «Энг яхши тадбиркор», «Энг интизомли солиқ тўловчи» ва «Энг яхши тадбиркор аёл» номлари ҳам берилди. Бундай номларга зағироталик ёш тадбиркор Файрат Раҳматуллаев, Тошкент туманидан «Асрор-Фаррух» дорилар ишлаб чиқарувчи хусусий корхона раҳбари Тошпўлат Қодиров, Юқоричирчиқ туманидан «Салада» хусусий фирмаси соҳиббаси Назифа Аширматовалар сазовор бўлишди.

Кўрик-танловда голиб чиққан тадбиркор, фермер ва хунармандларимиз республика бўйича ўтказиладиган «Ташаббус — 2003» кўрик-танловда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Уларга бу босқичда ҳам омад ёр бўлишига тилакдошмиз.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



ТЕКШИРИШ САМАРАДОРЛИГИ БИЛАН ҚАДРЛИ

ришлар самарадорлиги паст, назорат идораларининг режасиз текширишлар ўтказиш учун рухсат сўраб муурожаат қилишлари ҳамон камаймаётти. Худудий комиссиялар фаолиятида бартараф этилиши лозим бўлган айрим камчиликлар мавжуд. Хўжалик субъектларида текширишларнинг камайтирилиши, улар режада кўзланган муддатларда тўла ва самарали таъминланиши, натижаларини маҳаллий ахборот воситаларида ёритиш масалаларига баъзи комиссияларнинг эътибори етарли эмас.

Йиғилишда Бўка, Юқоричирчиқ, Пскент туманлари, Ангрен, Олмалик шаҳарларида текширишларнинг кўпайиш тамойили кузатилганлиги танқид қилинди. Текширишларнинг самарадорлиги эса, туманлардан Оҳангаронда — 52,9, Пскентда — 59,2, Чинозда — 66,7 фоизни ташкил этди.

Шуни айтиш керакки, баъзи назорат идоралари режадаги текширишларнинг муайян қисмини амалга ошира олмадилар. Шу муносабат билан вилоят санитария-эпидемиология назорати маркази ва унинг худудий бўлимларининг назорат фаолияти қаттиқ танқид қилинди. Улар 122 та текширишни режада кўрсатилган муддатларда сабабсиз ўтказмади. Вилоятнинг статистика ва молия бошқармалари, «Ўздавстандарт» агентлигининг вилоят бошқармасида эса, ўтказилган текширишларнинг 65-69 фоизидоғина бирор-бир камчилик аниқланган, холос.

Бу масала юзасидан йиғилиш қабул қилган қарорда давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг бош шифокори М. Улмасов, «Ўзтадбиркорбанк»нинг Паркент туман бўлини маси

(Давоми. Боши 1-бетда).

бошқарувчиси И. Мирдодоев, Тошкент туман бўлини маси бошқарувчиси Ш. Аббосов, Бўстонлик туман бўлини маси бошқарувчиси М. Ашировларга режада мўлжалланган текширишларнинг маълум қисми белгиланган муддатларда таъминланмаганлиги кўрсатиб ўтилди. Уринсиз текширишларни камайитириш, қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олишга эътиборни кучайтириш чора-тадбирлари белгиланди. Вилоят худудий комиссиясининг аъзоларига назорат идоралари томонидан хўжалик субъектларида текширишларда қонунийлик, холислик ва ошкоралик принциплари таъминланишини муттасил ўрганиб бориш юклатилди.

Тошкент вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг худудий бўлини масларида текширишларнинг тартибга солинишига доир қонунчилик талабларига амал қилиниши ва текширишлар самарадорлигини ошириш борасидаги ишлар кўриб чиқилди. Сўнгги бир йилда давлат нозирлари иштирокидаги текширишлар 52 тага камайиб, 2002 йили 352 та хўжалик ва корхонада комплекс, 17 хўжаликда қисқа муддатли текшириш ўтказилди. Экологик қоидаларга зид 320 ҳолат аниқланиб, 371 мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Текширишлар самарадорлиги 90,9 фоизга кўтарилди. Текшириш режасида кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналарининг салмоғи ўтган йили 32,4 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга йиғилишда айрим шаҳар ва туман табиати муҳофаза қилиш худудий бўлини маслари текширишларнинг режадаги муддатларига риоя қилмаётганлиги, уларнинг самарадорлиги сустиги, текширишлар тўлиқ ўтказилмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Вилоят худудий комиссиясининг йиғилиши 2003 йилги асосий иш йўналишлари режасини тасдиқлади.

ТАДБИР МЕЗОНИ — ЁШЛАР

Оилада тибиий маданиятни ошириш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ва «Саломатлик» маркази ҳамкорлигида Бўка туманидаги коллежда «Соғлом авлод — соғлом келажак», «Саломатлигимиз ўз қўлимизда» мавзуларида учрашув ўтказилди.

Унда ёшларни оилага тайёрлаш, оила ва никоҳ, қизлар ва йигитлар ўртасидаги муносабатларнинг маънавий асослари, тўйларни ихчамлаштириш, камчилик қилиб ўтказиш ҳусусида сўз борди.

Паркентда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва истеъдодли ёшлар маркази «Туркистон» газетаси тахририяти ижодий ходимлари билан учрашув ташкил этилди. Узаро суҳбат иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўз мухбиригимиз.

Анжуманлар

Ҳамкорликдаги учрашув

Тошкентда жамоатчилик фаолияти бўйича ўқув курсини ишлаб чиқиш лойиҳаси доирасида "Ижтимоий ишга кириш" мавзусида уч кунлик семинар бўлиб ўтди.

Тадбир Тошкент шаҳридаги "Ресурс маркази" жамоатчилик жамғармаси томонидан "Ўзбекистон Очиқ жамият институти" кўмак жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистон Миллий университети, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ҳамда Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтининг ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчилари иштирок этди. Зеро, айнан мана шу олий ўқув юртлирида мазкур соҳада малакали мутахассисларни тайёрлаш учун зарур бўлган янги ўқув курсини жорий қилиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, тадбирга Саратов давлат техника университетининг ижтимоий ишлар ва антропология кафедралари ўқитувчилари ҳам таклиф этилди.

Семинар давомида оила ва ногиронлар билан ижтимоий ишлаш, жамоатчилик фаолиятини касб ва мутахассислик сифатида ривожлантириш, ушбу соҳада хорижий назария ҳамда маҳаллий тажриба, тармоқлараро ўзаро ҳамжиҳатлик ва мазкур курсни ўқитиш услублари каби энг муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Ў.А.

Маҳалланинг фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органи сифатидаги роли ва аҳамиятини ошириш, миллий қадриятлар ва анъаналарни, ўзаро меҳр-оқибат тўғрисидаги мустаҳкамлашдаги нуфузини кўтариш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир.

МАҲАЛЛА ВА МАЪНАВИЙ МУҲИТ

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармаси ва Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорликда Тошкент вилояти педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ўтказган тадбир айнан шу мавзуга бағишланди. «Маҳалла тизими — ўз-ўзини бошқаришнинг миллий модели» мавзусида ўтказилган

ушбу анжуманда «Обод маҳалла йили» давлат дастурининг ижтимоий-сиёсий моҳиятини оширишга, маҳалланинг миллий давлатчилигимиз тизимида тутган ўрнига, маҳалладаги маънавий-маърифий муҳитда ота-она ва ўқитувчининг ўрни масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Илҳом ЎТАНОВ.

СУЛОЛАНИНГ МУНОСИБ ДАВОМЧИСИ



СУРАТДА: (чапдан) жарроҳлик бўлими мудири Сергей Ли ва қулоқ, бурун, томоқ касалликлари шифокори Раҳим Умаров. Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА) олган сурат.

Сергей Ли 1987 йилдан буён Тошкент вилояти Қибрай туманидаги марказий шифохонада меҳнат қилиб келади. Шифокорликнинг жарроҳлик соҳасини танлаган Сергей Лининг меҳнат фаолиятида кўплаб беморлар шифо топилган.

— Бир куни шундай воқеа бўлди, — деб эслайди Сергей Ли. — Шифохонага бечора ҳолатда келтирилди. Текшириш натижасида унинг ичидан қон кетаётганини, ошқозондаги яраси яллиғлангани аниқланди. Шошилиш равишида донорлик қони керак. Аксига олиб, шифохонанинг ўзидан топилмади. Вақт алламаҳал бўлгани учун ён-атрофга бориб, олиб келиш

ҳам қийин эди. Беморнинг аҳволи оғир, зудлик билан беморга қон ўрнини босувчи суюқлик кўйдик. Бунга ақл бовар қилмайди, лекин операция тугаганда, беморнинг аҳволи анча ўнганган эди...

Эртасига унга қўшимча қон билан ўзининг қонини қайтариб кўйдик. Бемор тезда оёққа туриб кетди...

Сергейнинг рафиқаси ҳам шифокор. Бир ўғил, бир қизни меҳр билан вояга етказишмоқда. Улар ҳам келгусида шифокор бўлмақчи.

Шундай одамларни кўрганда, ўсиб-униб келаётган ёш авлоднинг саломатлиги ишончли қўлларда эканига яна бир бор амин бўласан, киши.

Комил СОБИРОВ.

Фармон ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йилнинг 4 мартида «Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони имзолади. Утган мuddатда мамлакатимизда аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятидаги фавқулодда вазиятлардан муҳофазалашнинг яхлит тизими барпо этилди. Эндиликда бу кучлар турли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, қидирув-қутқарув ишларини олиб бориш, аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш борасида катта ҳажмдаги ишларни амалга ошира бошладилар.

— Маълумки, барча тараққий этган мамлакатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларида бу муҳим ишнинг қонунчилик асослари яратилди, — деди Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бошлиғи полковник Журъат Шарипов «Тошкент ҳақиқати» муҳбирига. — «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусу-

ОГОҲЛИК, УЮШҚОҚЛИК ВА МАҲОРАТ

Фавқулодда вазиятларда муваффақиятли ҳаракат қилишнинг асосий омилларидир

сиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида», «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги Қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларда ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофазаси хизмати ва тузилмаларини такомиллаштириш, кадрларнинг касб ва жисмоний тайёргарлик даражасини кўтариш чоралари кўрилмоқда.

Шу асосда вилоятимизда ҳам фуқаро муҳофазаси хизмати ва тузилмаларини такомиллаштириш, кадрларнинг касб ва жисмоний тайёргарлик даражасини кўтариш чоралари кўрилмоқда.

Кейинги йилларда бир қатор кўмондон-штаб ўқув машқлари ўтказилдики, бунинг натижасида ҳокимликлар, давлат идоралари, хўжалик, ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари, мутахассислар ҳамда қўйи бўғин кадрларининг фуқаро муҳофазасини, фавқулодда вазиятларда қутқариш ишларини ташкил этиш кўникмаси ва тажрибаси сезиларли ошди. Бу жараёнларда айтайлик, Қибрай туманида 7, Пскент туманида 5,8 миллион сўмдан кўпроқ ҳажмдаги ишлар бажарилиб, дарё, сой ва каналларнинг қирғоқлари, тўғон ва дамбалар мустаҳкамланди, каналлар, ариқлар ва зовурлар тозаланди.

Университет «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши томонидан «Менинг сеvimли устозим» мавзусида ўтказилган танловда у шундай «унвон»га эришишга муваффақ бўлди. Шу муносабат билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Биз Раъно Абдуқодирова қай йўл билан гимназия ўқувчиларининг сеvimли устозига айланганликлар билан қизикдик.

— Мен ушбу гимназияда иш бошлаганимга кўп вақт бўлгани йўқ, — деди Раъно Абдуқо-

дирова. — Аввало, ўқувчиларнинг болаларча тилини тушунишга интилим ва бунга эришдим. Энг катта ютуғим ҳам шу. Дарсларни қизиқарли машғулотлар, турли ўйинлар, тестлар воситасида ўтказаман. Ҳар бир ўқувчи билан алоҳида шуғулланишга, уларнинг ҳар бир саволига тўлақонли жавоб беришга ҳаракат қиламан. Дарслардан сўнг қўшимча машғулотлар мени ўқувчилар билан янада яқинлаштиради. Истардимки, улар менинг фаним билан бир қаторда бошқа фанларга ҳам чинакам меҳр қўйишса.

Хуршида НАЗАРОВА.

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши ижроия бюросининг навбатдаги мажлисида «Шаҳар ва туман партия кенгашларининг республика «Маҳалла» жамғармаси бўлимлари билан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича ҳамкорлиги ҳақида»ги масала кўриб чиқилди.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси мустақиллик куни ва Ўзбекистон ХДП 12 йиллигига бағишлаб «Обод маҳалла йили» тадбирлари доирасида «Ўзбекистон ХДП ҳаёти фотосуратларда» фотокўргазмаси ва фототанловини ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Кўргазмага жорий йил бошидан буён олинган, тегишли рамкага солинган, 20x30 ҳажмдаги рангли фотосуратлар қўйилади. Танловда асарларнинг кўргазма мавзусига жавоб бериши, сифати, муаллиф маҳорати ҳисобга олинади. Фотосуратлар Ўзбекистон ХДП шаҳар ва туман кенгашлари орқали 2003 йилнинг 1 августига виллоят партия кенгашига тақдим этилиши лозим.

Кўргазмада намоиш қилинган энг яхши фотосуратлар туркуми муаллифлари 30 минг (1-ўрин), 20 минг (2-ўрин) ва 10 минг (3-ўрин) сўмлик пул мукофотлари ҳамда дипломлар билан тақдирланадилар.

ГИМНАЗИЯЧИЛАРНИНГ СЕВИМЛИ УСТОЗИ

Биз мактаб остонасига қадам қўйган онларимиздан то ушбу муқаддас даргоҳдан учирма бўлганимизча, меҳридаре устозлар таълим-тарбиясида бўламиз. Ҳижжаматиб ҳарф ўргатган, санокни ёдлатган, бир чизик дафтарга дон-дон қилиб ёзишни кўрсатган, одоб-ахлоқ сирларидан воқиф этган ҳам сеvimли устозимиздир. Тошкент Давлат аграр университети қошидаги Республика гимназияси 5- ва 9- синф ўқувчиларининг ана шундай энг сеvimли устози она тили ва адабиёт ўқитувчиси Раъно Абдуқодировадир.

Dushanba

3

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Тахлилнома»
8.40, 17.55 ТВ маркет.
8.45 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Кушлар», «Хаёл»
9.10 «Камалак»
Болалар учун кинодастур.
9.45 «Туртинчи хокимият»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 Эркин ва юнорум кураши буйича «Мустақиллик кубоги» халқаро турнири.
«Болалар сайёраси»: 13.00 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож»
Телевизион уйин.
14.10 «Обод уйда пок одамлар

яшайди»
14.30 «Яхши-ёмон йигитлар». Телесериал.
15.20 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадий жамоаларининг концерти.
15.40 «Камилла». Телесериал.
16.10 «Баҳор келди сизни сўроқлаб»
16.50 Мусикий танаффус.
17.00 Эркин ва юнорум кураши буйича «Мустақиллик кубоги» халқаро турнири.
19.00 «Мулқдор»
19.15 «Олтин мерос»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.30 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».

21.05 2003 йил – Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида»
21.35 «Жаҳон». АА тақдим этади: «Буюк Ипак йўли ҳақида ҳақиқат». Видеофильм премьераси. 1-2-фильмлар.
22.05 Бир жуфт кўшиқ.
22.15 «Ифтихор»
22.35 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камилла». Телесериал.
23.05 «Ахборот-дайжест»
22.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Курсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус»
10.25 «Урмон эртақлари». Мультфильм.
10.55 ТВ-анонс.
11.00 Давр-news.
11.20 Жаҳон жуғрофияси.
12.10 Оғошлик – давр талаби.

12.35 Болалар экрани: «Аловуддиннинг сеҳрли шамчироғи»
13.55 Автосалтанат.
14.10 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.00 «Давр» ҳафта ичида.
15.30 «Автомобилдан сакланнинг». Бадий фильм.
16.55 Спорт ҳафтано-маси.
17.10 «Ит уяси». Телесериал.
17.35 Курсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» почтаси.
18.00 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Анпанман». Мультсериал (Япония)
18.25 ТВ-анонс.
18.30 Ёшлар овози.
18.50 ТВ-анонс.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Дийдор.
20.00 Каримбой Раҳмонов куйлайди.
20.20 Озод юрт фарзандлари.

20.35, 21.20, 22.35 Эълонлар
20.40 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Ажал сўқмоғи». Бадий фильм 1-қисм.
21.25 Кишлоқдаги тенгдошим.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қахваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида – 23.55 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТТҮда сериал. «Муҳаббат риштаси»
17.55, 19.05, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.

18.50 «Спорт ва болалар»
19.25 «Халқ саломатлиги йўлида»
19.50 «Жозиба»
20.30 ТТҮда сериал. «Мафтункор аёл»
21.35 «Хусусийлаштириш: кадам-бақадам»
22.15 «Пойтахт шарҳи»
22.40 Кинонигоҳ. «Бинго-Бонго»
0.10-0.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30-9.00
17.00 Курсатувлар тартиби.
17.05 «Вести»
17.20 «2002 воқеалари шарҳи». Хужжатли фильм.
17.35 CFI тақдим этади: «Цирк»
18.05 «Евроњьюс» янгиларлари.
18.25 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий курсатув.
19.00 «Мени кутгил»
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?»

Телуейин.
21.00 «Время»
21.35 «Сунгги қаҳрамон-3»
22.40 «Бизнес – ревью»
22.45 «Ҳинд оҳанглари»
23.05 Кинематограф. «Механик соита». Бадий фильм.
0.40 «Ахборот» (рус тилида)
1.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55гача профилактика ишлари.
16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 «Шоу соати». 17.40, 20.45 «Телехамкор». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Дадалар». 19.30 «Ошиқона» мусикий дастури. 19.45 «Уртоқ бошлиқ». Сериал. 21.05 «Клип-совға». Телетабринома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Сунгги бекат». 23.15 «30-канал»да спорт.

Seshanba

4

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Хонобод»
9.10 «Рангин дунё»
9.30 Эркин ва юнорум кураши буйича «Мустақиллик кубоги» халқаро турнири.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
11.00 «Талабалар йиллари»
11.20 «Урдақчалар саргузашти». Мультфильм.
12.05 «Кўпчилик қаторида»
12.30, 12.55, 15.05 ТВ анонс.
12.35 Болалар учун. «Фламинго»
13.00 «Оталар сўзи – ақлнинг кузи».

14.10 «Муносабат»
14.50 Мусикий танаффус.
15.10 «Адабий жараён»
15.30 «Ифтихор»
15.50 «Камилла». Телесериал.
«Болалар сайёраси»: 16.20 «Кўшигим-жон кўшигим»
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан»
18.10 «Ўзбекино» тақдим этади: «Хўқанди латиф». Премьера.
18.25 «Баркамол авлод орзуси»
18.45 «Тафсилот»
19.05 «Калқон»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.25 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 «Солиқ ва биз»
21.30 «Жаҳон». АА

тақдим этади: «Буюк Ипак йўли ҳақида ҳақиқат». Видеофильм премьераси. 3-фильм.
21.45 Бир жуфт кўшиқ.
21.55 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камилла». Телесериал.
22.25 «Эркин ва юнорум кураши буйича «Мустақиллик кубоги» халқаро турнири.
23.25 «Ахборот-дайжест»
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Курсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «Анпанман». Мультсериал.
10.00 «2000 йилдан сўнг». Сериал.
10.20 Бизнес – академия.
10.40 ТВ-анонс.
10.45 «Ит уяси». Телесериал.
11.10 Ёшлар овози.
11.30 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.

12.20 Озод юрт фарзандлари.
12.35 Болалар экрани: «Танаффус», «Фаройиб саёҳат». Мультфильмлар.
12.55 Интерфутбол.
14.35 Қўли гул уста.
14.55 «Дон Кихот болалари». Бадий фильм.
16.10 Кишлоқдаги тенгдошим.
16.30 «Ит уяси». Телесериал.
16.55 Курсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар»
17.20 «Анпанман». Мультсериал.
17.45 Таянч.
18.10 Ёшлар овози.
18.30 Автопатруль.
18.50 ТВ-анонс.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Севги тароналари.
19.55 Давр-интервью.
20.10 XX аср ўзбек шеъриятдан.
20.15 Кутқарув «050»
20.35, 21.20, 22.35

Эълонлар
20.40 «Ажал сўқмоғи». Бадий фильм. 2-қисм.
21.25 Марди майдон.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қахваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: «Нокаут»
23.35 Давр.
23.50-23.55 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби.
17.20 «ТТҮда сериал. «Муҳаббат риштаси»
17.55, 19.00, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.15, 22.25 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эхтиром ила»
19.20 «Ҳимоза»
19.35 «Мумтоз наволар»
20.30 ТТҮда сериал. «Мафтункор аёл»
21.35 «Туризм

ҳақида»
22.50 Кинонигоҳ. «Нажот ҳайқириғи»
0.10-0.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30-9.00
17.00 Курсатувлар тартиби.
17.05 «Вести»
17.20 CFI тақдим этади: «Монте-Карлодаги цирк». 1-қисм.
18.10 «Евроњьюс» янгиларлари.
18.20 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий курсатув.
18.45 «Машхурлар». С. Карпинская.
19.15 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.15 «Заиф бўгин». Телуейин.
21.00 «Время»
21.40 «Бизнес-ревью»
21.45 «Болгария: кеча ва бугун»
22.05 «Муз zone»
22.20 «Хроника»
22.35 FCN Ўзбекистон янгиларлари (инглиз тилида)
22.45 Кинематограф.

«Бечора Саша». Бадий фильм.
0.10 «Ахборот» (рус тилида)
0.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 15.00, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Жанговар санъат олами». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Кечки ташриф». Мелодрама. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-канал»да спорт. 16.50 «Шоу соати». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Жоҳил динозавр». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Уртоқ бошлиқ». Сериал. 21.05 «Клип-совға». Телетабринома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Галаба нарҳи». 23.15 Спорт дастури.

Chorshanba

5

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Ўзбекистон табиати»
9.20 «Соз сеҳри»
9.40 «Бахтимизга омон бўлинг»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Тафсилот»
10.25 «Финист-сарлочин». Бадий фильм.
11.40 «Калқон»
12.05 «Шоҳ Султон ҳақида эртақ»
Мультфильм.
12.55 ТВ анонс.
13.00 «Баркамол авлод орзуси»
13.20 «КиноТеатр»
13.40 «Остонаси тиллодан»
14.10 «Солиқ ва биз».

биз»
14.30 Кундузги сеанс: «Алп йигитнинг уйланиши». Бадий фильм.
15.40 «Ягона оилада»
16.10 «Камилла». Телесериал.
«Болалар сайёраси»: 16.40 1. «Болалар ва катталар». 2. «Кувнок шаҳарча». Телемусобака.
17.40 «Озода бўлса шаҳринг»
18.10 Бир жуфт кўшиқ.
18.20 «Сихат-саломатлик»
18.40 «Япония: Рухият ва макон». Хужжатли телесериал премьераси.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Юзма-юз»
20.30 «Ахборот»
21.05 «Долзарб мавзу».

21.35 «Жаҳон». АА тақдим этади: «Буюк Ипак йўли ҳақида ҳақиқат». Видеофильм премьераси. 4-фильм.
21.50 «Мустақиллик кубоги» халқаро турнири яқунларига доир.
22.20 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камилла». Телесериал.
22.50 «Ахборот-дайжест»
23.10-23.15 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Курсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар»
9.35 «Анпанман». Мультсериал.
10.00 «2000 йилдан сўнг». Сериал.
10.20 Давр-интервью.
10.35 ТВ-анонс.
10.40 «Ит уяси». Телесериал.
11.05 Таянч.
11.30 Саломат бўлинг.
11.50 «Кусто команда-

сининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
12.40 Ёшлар овози.
13.00 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1. «Нокаут». 2. Теннис.
14.05 «Суғур қуни». Бадий фильм.
15.45 Автопатруль.
16.05 «Ит уяси». Телесериал.
16.30 Курсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар»
16.55 «Анпанман». Мультсериал.
17.20 ТВ-анонс.
17.25 Болажон.
17.40 Чемпион сирлари.
18.00 Ёшлар овози.
18.20 Сийрат.
18.40 Каталог.
18.50 ТВ-анонс.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Очил дастурхон.
20.00 Спортлото.
20.10 Муҳаббат кўшиқлари.
20.25 Бугуннинг ёшлари.
20.45, 21.25, 22.35 Эълонлар

20.50 ЎзТВ хазинаси-дан: «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 1-қисм.
21.30 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қахваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида – 23.55 Давр.
1.00-1.05. Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.10 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТТҮда сериал: «Муҳаббат риштаси»
17.55, 19.15, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экрани»
18.30, 20.00, 21.15, 22.20 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Мусикий меҳмонхона»
19.35 «Ханда дўкони»
20.30 ТТҮда сериал. «Мафтункор аёл»
кўшиқ.
21.50 «Жаҳон». АА тақдим этади: «Буюк Ипак йўли ҳақида ҳақиқат». Видеофильм премьераси. 5-фильм.
22.05 «Келин-куёв». Телешоу.
22.55 «Ахборот-дайжест»
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

21.35 «Ҳамшаҳарлар»
22.45 Кинонигоҳ. «Истеъдод»
23.55-24.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30-9.00
17.00 Курсатувлар тартиби.
17.05 «Вести»
17.20 «Аёл тинчлик истайди»
17.25 CFI тақдим этади: «Монте-Карлодаги цирк». 2-қисм.
18.20 «Евроњьюс» янгиларлари.
18.30 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси»
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 Светлана Сорокина иштирокида «Катта премьераси». Ток шоу.
21.00 «Время»
21.40 «Бизнес-ревью»
21.45 «Шлягер»
22.00 «Услуб»
22.15 «Юлдуз билан учрашув»
22.30 «Яшаш муҳити»
22.45 «Хит-парад».

23.05 «Тунги навбатчилик»
23.20 «Ахборот» (рус тилида)
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40, 16.00 «30-канал»да спорт. 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Тўққиз ой». Комедия. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-канал»да спорт. 16.50 «Шоу соати». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Кулмақчалар ҳукмронни». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Уртоқ бошлиқ». Сериал. 21.05 «Клип-совға». Телетабринома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Кора акула». 23.15 Спорт дастури.

Payshanba

6

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Болалар ва катталар». 2. «Кувнок шаҳарча». Телемусобака.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00

Янгилар
10.05 «Алифбо сабоқлари»
10.25 «Аршин мол-олон». Бадий фильм.
11.45 Мусикий танаффус.
12.05 «Тайёрланмаган дарслар мамлакатини». Мультфильм.
12.25 ТВ анонс.
12.30 «Фанимиз истиқболлари»
12.50 ТВ театр: «Келинлар кўзғоло-

ни». Спектакль. 1-қисм.
14.10 Кураш буйича халқаро турнир.
14.35 Кундузги сеанс: «Энг жозибали ва латофатли аёл». Бадий фильм.
15.55 «Озод юрт одамлари»
16.15 «Камилла». Телесериал.
16.45 «Шахс ва жамият»
«Болалар сайёраси»: 17.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Қизиқарли учрашувлар»
17.45 «Халқаро ҳаёт – шарҳловчилар

нигоҳида»
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари»
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.00 «Инсон ва қонун»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 Телемулоқот: «Кимнинг маҳалласи обод маҳалла?»
21.40 Бир жуфт

кабутар»
9.35 «Анпанман». Мультсериал.
10.00 Болажон.
10.15 ТВ-анонс.
10.20 «Ит уяси». Телесериал.
10.45 Спорт-қитъаси (рус тилида)
11.15 Чемпион сирлари (рус тилида)
11.35 Болалар экрани: «Оқ қарқара»
«Хом хаёл». Мультфильмлар.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 Бугуннинг ёшлари.
12.40 Интерфутбол.
14.20 Сийрат.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Курсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ

14.40 «Қочоқ келин». Бадий фильм.
16.30 Дийдор.
16.50 «Ит уяси». Телесериал.
17.15 Курсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: «Шоҳсупа»
17.45 «Анпанман». Мультсериал.
18.10 ТВ-анонс.
18.15 Олов билан юзма-юз.
18.30 Табобат оламида.
18.50 ТВ-анонс.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Ешлик

кўшиқлари.
19.50 «Давр-интервью».
20.05 Ёшлар овози.
20.25 Бегойим.
20.45 21.30, 22.35 Ёшларлар.
20.50 «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 2-қисм.
21.35 «Умр дафтари» туркумидан: Зулфия. 1-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесе-

риал.
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида – 23.55 Давр.
1.00-1.05 «Хайрли тун!»
«Тошкент» телеканалли
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.10, 21.50 «Экспресс» телега-

зетаси.
18.15 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 21.15, 22.10 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.50 «Билим телеклуби».
19.30 ТТҲда мусика.
19.40 «Қамолот фасли».
20.30 ТТҲда сериал. «Мафтункор аёл».
21.35 «Эл хизматида».
22.35 Кинонигоҳ. «Занжир».
23.55-0.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал
Биринчи канал 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».
17.20 «Аёл тинчлик истади».
17.25 «Кулгу хонаси».
18.15 «Евроњьюс» янгиликлари.
18.30 В. Мулявин хотирасига бағишланган курсатув.
19.00 «Ишонч ва

муҳаббат замини». Сериал.
20.00 Светлана Сорокина иштирокида «Катта премьер».
20.45 «Ток шоу».
21.00 «Время».
21.40 «Бизнес ревью».
21.45 «Соккер клуб».
22.05 «Юксак технологиялар олами».
22.15 FCN Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
22.25 Бокс. Джон Руис – Рой Джонс. Супер жанг.
23.15 «Ахборот» (рус

тилида)
23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 16.00, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «30» да спорт. 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Эрта ҳеч қачон келмайди». Жангари фильм. 13.30 «Яго,

зулмат эҳтироси». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30» да спорт. 16.50 «Шоу соати». 18.00 «30-канал» киноқшоми: «Пойгачилар». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Уртоқ бошлик». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Иисус». 23.15 Спорт дастури.

JUMA

7

«Ўзбекистон» телеканалли
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Кизикарли учрашувлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ойдан тушган малика». Бадий фильм.
11.55, 12.25 ТВ анонс.
12.05 «Ишонч».
12.30 ТВ театр: «Келинлар кўзғолони». Спектакль. 2-қисм.
13.30 «Олам». Телеальманах.
14.10 Телемулоқот: «Кимнинг маҳалласи обод маҳалла?». 14.45 «Дунё эшиқлари очилди бизга».

15.05 «Моҳият».
15.20 «Қувноқлар ва зукколар». Телемулоқот.
16.10 «Камилла». Телесериал.
«Болалар сайёраси»: 16.40 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Уйла, Изла, Топ». Телемулоқот.
17.40 «Нурли манзиллар».
18.10 «Ажаб саодат эрур».
18.30 «Соғлом она – соғлом бола».
18.50 «Тафсилот».
19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустақамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 23.00 Ёшларлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Бир жуфт кўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.05 Хотин-қизлар

кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт. «Туркистон» саройидан олиб кўрсатилди (ёзиб олинган)
22.35 «Олтин бешик».
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканалли
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Шоҳсупла».
9.40 Анпанман. Мультсериал.
10.05 «2000 йилдан сўнг». Сериал.
10.25 «Давр»-интервью.
10.40 ТВ-анонс.
10.45 «Ит уяси». Телесериал.
11.10 Олов билан юзма-юз.
11.25 Жаҳон жуғрофияси.
12.15 «Умр дафтари» туркумидан: Зулфия. 1-қисм.
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Меҳр кўзда.

13.30 Интерфутбол.
15.10 Болалар экранни: «Маймунчанинг онаси». Мультфильм.
15.20 Бегойим.
15.40 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
16.30 XX аср ўзбек шеърятидан. Фафур Фулом.
19.35 «Ит уяси». Телесериал.
17.00 ТВ анонс.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», «Боланинг тили».
17.40 «Анпанман». Мультсериал.
18.05 Дунё ажойиботлари.
18.25 Ўзбек мумтоз шеърятидан Нодира.
18.30 Аскар мактублари.
18.50 ТВ-анонс.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Минг бир ривоят ва ТВ-анонс.
19.45 «Ер ишқи». Мусикий дастур.
20.00 «Давр» нигоҳи.
20.20 Кишлоқдаги

тенгдошим.
20.40, 21.25, 22.35 Ёшларлар.
20.45 «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 3-қисм.
21.30 «Умр дафтари» туркумидан: Зулфия. 2-қисм.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: «Ринг қироллари».
0.10 Давр.
0.25-0.30 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканалли
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.10, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экранни».
18.30, 20.00, 21.15, 22.10 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.50 «Хайрли оқшом».

19.30 «Аёл қалби».
19.55 «Дил наволари».
20.30 ТТҲда сериал. «Мафтункор аёл».
21.35 «Мисли гавҳар».
22.35 Кинонигоҳ. «Комиссар Наваро».
0.10-0.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
Биринчи канал 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».
17.20 «Топ мюзик».
17.30 «Спорт технологияси».
17.50 «Евроњьюс» янгиликлари.
18.10 «Ассалом, Франция».
18.25 Хужжатли детектив.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.50 «Мўъжизалар майдони».
21.00 «Время».
21.35 «Бизнес-ревью».
21.40 Кинематограф. «Уч қочоқ». Бадий фильм.
23.10 «Ахборот» (рус

тилида)
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Харакатдаги сайёра». 11.10 «Сирларимиз ёзи» Сериал. 12.00 «Тозаловчи». Триллер. 13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30» да спорт. 16.50 Шоу соати. 18.00 «30» да ринг юмор дастури. 18.50 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Уртоқ бошлик». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Ман қилинган зарба».
23.15 Спорт дастури.

Shanba

8

ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ
«Ўзбекистон» телеканалли
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 Эстрада тароналари.
9.20 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустақамлиги йўлида».
9.40 «Ажаб саодат эрур».
10.00 Хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
11.30 Байрам табриги.
11.35 «Майсаранинг иши». Бадий фильм. 1-қисм.
12.30 «Сарвиноз» ашула ва ракс ансамблининг концерти.
12.50 «Майсаранинг иши». Бадий фильм. 2-қисм.
13.50 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:

13.55 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Уйла, Изла, Топ!» Телемулоқот.
14.55 «Адабий жараён».
15.15 Байрам табриги.
15.20 «Аёлини ардоқлаган юрт».
15.40 «Ягона оилада».
16.10 «Рангин дунё».
16.30 «Спорт оламида».
17.30 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу.
18.30 «Умид». Телелотерей.
19.00 Байрам табриги.
19.05 «Қишлоқ ҳақида уйлар».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшларлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Аёл гўзаллиги оламни безар».
Байрам дастури.
22.00 «Қизлар давра-

си».
23.25 «Ахборот-дайжест».
Тунги ёғду.
23.45 «Ўзбекистон» каналда илк марта: «Қайсар қизнинг қуйилиши». Бадий фильм.
1.30-1.35 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканалли
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», «Боланинг тили».
9.30 «Анпанман». Мультсериал.
9.55 Табобат оламида.
10.15 «Ит уяси». Телесериал.
10.50 «Жараён». Назира Аҳмедова номидаги аёл хонандалар куриктанлови ҳақида. 1-қисм.
11.15 «Умр дафтари» туркумидан: Зулфия. 2-қисм.
11.30 «Жараён». Назира Аҳмедова номидаги аёл хонандалар куриктанлови ҳақида. 2-қисм.
11.50 ТВ-анонс.
11.55 «Афандининг

беш хотини». Фильм-спектакль («Ўзбектефильм») 1-қисм.
12.55 «Давр» нигоҳи.
13.15 «Афандининг беш хотини». Фильм-спектакль («Ўзбектефильм») 2-қисм.
14.15 Дунё ажойиботлари.
14.35 «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 1-қисм.
15.10 «Ёмғир эслатар куйни» («Ўзбектефильм») 1-қисм.
15.20 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
16.10 «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 2-қисм.
16.50 Ҳозирги замон ўзбек шеърятидан Қуллубика.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 Оила кўрки.
17.20 «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 3-қисм.
18.00 Футбол-плюс.
18.20 «Мистер Бин». Телесериал.
18.50 Ўзбек мумтоз шеърятидан Нодира.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Байрам навола-

ри.
19.50 Қутилмаган меҳмон.
20.10, 22.35 Ёшларлар.
20.15 «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 4-қисм.
20.55 Оҳанрабо.
21.35 «Умр дафтари» туркумидан: Зулфия. 3-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 Тунги тароналар.
22.55 «Ёшлар» телеканалда премьер: «Она муҳаббати». Бадий фильм. 1-қисм.
0.10-0.15 «Хайрли тун!»
«Тошкент» телеканалли
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.10, 20.10, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.30 «Афиша».
18.50 Мусикий лаҳзалар.
19.00 «Пойтахт».
Шанбадан-шанбага (рус)
19.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».

20.00 «TV мадад».
20.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.10 «Меҳридор».
21.25 «Нима учун?».
21.55 Кинонигоҳ. «Мафтунингман».
23.20-23.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Покахонтас». Мультфильм.
9.30 «Юзга бир».
10.10 «Лаззат».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
11.05 Ё. Петросяннинг Кулгу панорамаси.
11.40 «Ишбилармон кишилар».
12.00 «Кунгил кўнгида пайванд».
12.35 Болалар соати «Кизил шапкача». Бадий фильм. 1-қисм.
13.45-14.45 «Дўстлик» видеоканали: «Саҳий хонадонда», «Чинсэ», «Бизнен мирас».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Заиф бўгин». Байрам сони.
18.00 «Евроњьюс» янгиликлари.
18.10 «Кавказ асира-

си». Кинокомедия.
19.45 «Миллион париваш аёллар». И. Николаевнинг ижодий кечаси.
21.00 «Время».
21.25 Концертнинг давоми.
23.25 «Ахборот» (рус тилида)
0.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.45, 20.45 — «Телехамкор». 9.30 «Деннис-шумтака». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 Жониворларнинг ажойиб ҳаёти. Сериал. 12.00 Ойлавий кино. «Танланган кув».
13.40 «Дискавери соати».
14.30 Хинд киноси: «Оламнинг очилиши».
17.00 Телеуйин. 18.10 «30-канал» киноқшоми: «Ёмғирдаги ботинкали одам».
19.45 «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Вовочка». Сериал. 20.30 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.05 «Хаммасини эслаш». Сериал. 22.00 «30-канал» да киноқшом. «Портлатувчи».
23.50 Мусикий дастур.

Yakshanba

9

«Ўзбекистон» телеканалли
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
Болалар учун кинодастур.
9.10 «Ҳаройибот».
9.30 «Байрамнинг муборак». Теленовелла.
10.00 «Ватанимга хизмат қилман».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Рақибингиз гротмейстер».
11.30 «Мўъжизалар майдончаси».
Телешоу.
12.30 ТВ анонс.
12.35 «Бу турфа олам».
13.05 Мусикий танаффус.
13.25 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси. «Пахтакор» – «Ниса» (Туркменистон). Танаффус пайтида – мультфильм.
15.20 «Орзулар

камалаги». Бадий фильм.
16.25 «Жиз-биз». Ҳажвий хангома.
«Болалар сайёраси»: 16.45 1. «Санъат гўнаҳари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
17.45 «Қалб гавҳари».
18.05 «Туртинчи ҳокимият».
18.25 «Талабалик йилларим».
18.45 «Оқ олтин». Телелотерей.
19.15 Бир жуфт кўшиқ.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ёшларлар.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 Кинокомпозиция.
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Жаҳон». АА тақдим этади: «Буюк ипак йўли ҳақида ҳақиқат». Видеофильм премьераси. 6-фильм.
21.30 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».

21.50 «Яхшилик». Телешоу.
22.25 Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси кундалиги.
Якшанба кинозали: 22.55 «КиноТеатр».
23.15 «Жазда фақат қизлар». Бадий фильм.
0.50-0.55 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканалли
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 Футбол-плюс.
10.10 Оҳанрабо.
10.50 «Заковат» интеллектуал ўйини.
11.45 Очил дастурхон.
12.10 ТВ-анонс.
12.15 «Умр дафтари» туркумидан: Зулфия. 3-қисм.
12.30 «Ёшлар» телеканалда харбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон. 2. Аскар мактублари. 3. Қутқарув «050».
13.40 «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 4-

қисм.
14.20 Чемпион сирлари.
15.10 Кишлоқдаги тенгдошим.
15.30 «Жаҳон мусика хазинаси» туркумидан: «Ла Скала» театри тақдим этади.
16.00 Кўрсатувлар дастури.
16.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
16.55 Бола тилидан.
17.25 Осиё чемпионлар лигаси «Пирузи» (Эрон) – «Талаба» (Ирок) Танаффус пайтида – (18.15) «Давр»-news.
19.20 Давр-репортаж.
19.30 Маслаҳат 1-қисм.
20.15 Севги тароналари.
20.30, 21.20, 22.30 Ёшларлар.
20.35 Маслаҳат 2-қисм.
21.25 Лабиринт.
21.50 Олтин мерос.
21.55 Иқлим.
22.00 «Давр ҳафта ичида».
22.35 ТВ-анонс.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 «Она муҳабба-

ти». Бадий фильм. 2-қисм.
0.05-0.10 «Хайрли тун!»
«Тошкент» телеканалли
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
19.00, 20.10, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.
19.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «TV мадад».
20.30 «Жаҳон географияси».
21.00 «Пойтахт шарҳи».
21.45 «TV плюс».
22.15 Кинонигоҳ. «Катта дўкон».
23.45-23.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Покахонтас». Мультфильм.
9.30 «Қувноқ инглиз тили».
9.40 «Инглиз тили Сиз учун».
10.10 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий курсатув.

10.30 «Табиатшунос билан саёҳат».
11.10 «Кайфият». Информацион дам олиш дастури.
12.40 «Парле ву франсе?»
13.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
13.25 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
13.35-14.55 «Дўстлик» видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар», «Айчурек», «Корея тилини ўрганамиз».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Бинафша».
17.25 «Гўзал чехралар».
17.35 «Ҳикоя».
17.55 «Мюзик-холл».
18.20 «Т. Полонская билан бирга».
18.40 «Гонче» мое тақдироти маросими.
18.45 «Топ мюзик».
18.55 «Ким миллионер бўлишни истади?» Байрам сони.
20.00 «Сўнги қаҳрамон-3»
21.00 «Сирасини айтганда». Ток шоу.
21.40 «Дурдаршан».

22.10 «Кинопрофи».
22.30 Кинематограф. «Айни муддао». Бадий фильм.
0.05 «Тахлилнома» (рус тилида)
0.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.45, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Деннис-шумтака». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 12.00 Ойлавий кино. «Беверли-Хиллзлик птеродактиль-аёл».
13.40 «Дискавери соати».
14.30 Кундузги кинозал. «Буйдоқ».
16.10 Дам олиш дастури. 16.40 Мусикий дастур. 17.00 Телеуйин. 18.10 «30-канал» киноқшоми: «Портлатувчи».
19.45 «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Агентлик». Ҳажвий сериал. 20.30 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.05 «Хаммасини эслаш». Сериал. 22.00 «30-канал» да якшанба киноқшоми. «Мутақассис».
23.50 Спорт шарҳи.

Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги олдида

Ғафур Ғулом ижодининг ўзига хос жиҳатларидан бири ижодкор асарининг халқчиллигида, тилининг халқ тили билан ҳаммоҳанглигидадир. Хусусан, халқимиз дилдан жой олган «Шум бола» қиссаси равонлиги, ҳаёт материалларини рангин оҳангларда, аниқ ва равшан ифодаланганлиги билан ажралиб туради.

Ғафур Ғулом халқ ҳаётини ва халқ тилини яхши билган ва ана шу халқчиллик асосида бадиий образ ва характерлар ярата олган. Адиб образ ва характерларнинг типик ва индивидуал жиҳатларини кўрсатишда жонли халқ тили, жумладан, қарғишлардан бадиий тасвир орқали фойдалана олган. У асардаги образ-

ди. Шум бола қанчалик шумлик қилмасин, барибир болалик характериға эга. Шунинг учун у кўп ишларга жиддийлик билан эмас, балки болаларга хос бегуборлик ва ўйинқароқлик билан қарайди. Буни домланинг уйда кечаси бўкиб қолган ҳўкизни сўйиш учун уйкусираб айтган сўзларида ҳам кўриши-



тимсолида кўрсатади.

Бутун қисса давомида шум бола томонидан ишлатилган қарғишлар унинг характерини очишга йўналтирилганлигини кўра-миз. Эшон домла нутқида диний характердаги қарғишлар қўлланиб, бу образни индивидуаллаштиришга омил бўлган. «Азбаройи худо, борим шу, бошқа пулим бўлса, имом Аъзам урсин», «Ким шу ваъдадан қайтса бети қибладан қайтсин, омин Оллоҳу акбар» каби қарғишларни Эшон тилидан айтилиши табиий ҳолатдир.

«Падарлаънат», «қорнинг ошга тўймасин», «жувонмарг ўл» қарғишлари Сарибой томонидан шум болага нисбатан ишлатилди. Бу қарғишнинг бой томонидан ишлатилиши ўша давр ижтимоий тузуми ҳақида балки бойларнинг характерини очишга, ғариб-ғураболарни доимий равишда оч қолиб, уларга тобе бўлиши ҳақидаги тилак ва истакни намоён этади. «Шум бола» асари адибнинг образли характерини намоён этувчи бадиий маҳоратининг маҳсулидир. Академик шоир ва адиб Ғафур Ғулом халқ тилини, дардини мукаммал билганлиги учун унда қўлланилган халқ оғзаки ижоди намунаси бўлмиш қарғишлар ҳам асар бадииятини очишга хизмат қилган.

Асарда қарғишларнинг ҳар бири қўлланилиши услубига кўра мукаммалликка эга. Чунки, улар асар қаҳрамонлари характерини ёритиш орқали китобхонни ўзига жалб этади.

Феруза ЭШБОЕВА,
Тошкент вилоят Давлат педагогика институти ўзбек филологияси «Шарқ тиллари ва ёзуви» кафедраси ўқитувчиси.

«ШУМ БОЛА»НИНГ ШУМЛИГИ

ёки Ғафур Ғулом ижодида қарғишларнинг қўлланилиши

ларнинг психологик кечинмаларини, кайфиятларини ўзига хос тарзда ифодалаган. «Шум бола» қиссасида акс эттирилган воқелик XX аср бошларидаги турмушнинг аччиқ ва аянчли кўринишларидир. Айнан мана шундай аянчли турмуш воқеаларини очиб беришда персонажларнинг индивидуал тил хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади. Халқ оғзаки ижодининг ўзига хос жанри бўлган жонли халқ тилида кенг қўлланилган қарғишлар «Шум бола» асаридаги персонажларнинг ўзига хос характерини юзага чиқарувчи восита бўлиб хизмат қилади. Асарда турли хил йўналишдаги қарғишлар учрайди. Шум боланинг нутқидаги хилма-хил қарғишлар унинг турли шароитлардаги индивидуал характерини намоён этади. Шум бола чойхонадаги тўти ҳақида гапирар экан, бошқаларни ўз гапига ишонтириш учун қасам типидagi қарғишдан, яъни қарғовчининг ўзига қаратилган қарғишни қўллайди: «...қафасдаги жонли тўти эди, ўлиб кетай агар, тирик тўти эди».

Асар экспозициясида шум бола тилидан бу қарғишни ишлатилишининг ўзиёқ унинг характерини, кўпроқ ёлгон гапиришини ва ўз сўзига бошқаларни ишонтириш учун қасам типидagi қарғишни ўзига нисбатан қўллаш орқали очиб бера-

миз мумкин. Бунда у ҳайвонларга нисбатан ишлатиладиган қарғишлардан фойдаланади.

«Оббо, ҳаром ўлгур ҳўкиз ёмонлаб қолди-ёв», яна худди шу қарғишни қўйларни ҳайдаб кетаётганда ҳам қўллайди: «Кўй деган ҳаром ўлгур, жуда аҳмоқ, асов ҳайвон бўлар экан». Шум боланинг бу муомаласи унинг оромига ҳалақит берган, ширин уйкусидан воз кечишига сабабчи бўлган ҳайвонларга нисбатан аламини ифодалайди. Айниқса унинг Омон билан бирга Қорасарой йўлидаги бой уйда қолиб, унинг ота мерос сигирини боқиш манзарасидаги бўйсунмас асов сигирга нисбатан қўллаган қарғишлари аламзада боланинг сигир ва унинг эгасига бўлган нафратини характерли тарзда очиб беришга хизмат қилади. Эътибор қилинг: «Шу аҳволда типирчилаб ётган, теринг сангобда чиригур сигир», «гўштинг олақарғага хомталаш бўлгур», «эганг ўлгур» қарғишлари шум боланинг жонига озор етказган сигирга ва бойга нисбатан қаҳр-ғазаб изҳоридир. Бу қарғишларни шум бола тилидан берар экан, ёзувчи нафақат ўзининг халқ оғзаки ва халқ ҳаётини яхши билишини намоён этиш баробарида халқ орасида юрган кишилар билан муомалада бўлиш жараёнида халқона нутқни яхши эгаллаганини шум бола

Шеърят

ВАҚТ ТОПМАДИМ

Онажон, вақт топмадим,
сизни бир бор кўришга,
Ёнингизда ўлтириб
ширин суҳбат қуришга.
Меҳр ила қўлларингиз,
юзларимга бир суриб,
Вақт топмадим, бедор бўлиб
ёнингизда туришга.
Хасталикда бизни аяб,
иситмани яшириб,
Дўст-душманга мақтаб бизни,
яхшимизни ошириб,
Меҳр бериб, болам дея,
сўзингиздан томса бол,
Менчи, меҳр беролдимми,
кўнглингизни тошириб.
Онажоним, қаердасиз,
садо беринг, онажон,
Вақт топмадим, энди сизга
айтар гапим бир жаҳон.
Тушларимга киринг, майли
бир бор кўрай, онажон,

Сизни кўрсам тушларимда
қувончларим бир жаҳон.
Онажон, вақт топмадим,
сизни бир бор кўришга
Ёнингизда ўлтириб
бир бор суҳбат қуришга.

ҚИЗ ОРЗУСИ

Юрагимда ҳислар исёни,
Туйғуга эрк бермайди ақл.
Туйғуларим бўй бермас, бебош,
Яшагиси келар мустақил.

Хаёлларим май, гулоб ичиб,
Орзуларим қучар мастона.
Қанотларин ёзиб бир гўзал —
Осмонларга учар ростмана.

Сен ҳам учоласанми?
Оёқларинг тегмасин ерга...
Гар учолсанг, майли, сен билан —
Қайга десанг кетаман бирга.

Ойшабегим УСМОНХУҶА қизи.

Хотира

ДОНО СЎЗ ДУНЁ КЕЗАР

Кунлардан бир кун, қўлимга домла Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг «Толибнома» китоби тушиб қолди. Шундай ҳаётий ва содда тилда ёзилган бу китоб менга отанинг фарзандига қилган насихатларидек таъсир қилди. Китоб дўконларидан ўтар эканман, домланинг китоблари ва мақолларини қидирадиган бўлиб қолдим. Мен бу китобларни шунчаки ўқиб чиқмасдан, уларда берилган кенг маъно ва мазмунли фикрларини алоҳида ёзиб олиб қўядиган бўлдим. Касбим ўқитувчилик бўлганлиги учун талабаларга дарс бериш жараёнида домланинг ушбу фикрларидан мисоллар келтириб ўтаман.

У кишини сиртдан, асарлари орқали таниб, энди уларнинг ўзлари билан танишгим,

суҳбатлашгим келиб қолди. Домлани танийдиган дўстлари, танишларидан суриштира бошлаганимда эса, оламдан ўтганликларини эшитиб жуда хафа бўлдим. Шундай ажойиб бир инсоннинг бирон марта мазмунли суҳбатларидан баҳраманд бўлмаганлигим учун ўқиндим. Бу инсоннинг яқин дўстлари, шогирдларига эса ҳавасим келади. Қуйида табаррук устоз Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг «Толибнома» ва «Халоллик бозорда сотилмайди» китобларидан тўплаган қимматли фикрларидан бир нечтасини эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топдим.

Раъно ТУРДИБОЕВА,
Тошкент Давлат аграр университети доценти.

Бирон киши билан гаплашмоқчи бўлсанг, шундай бир тилда гаплашгилки, то гаплашгунингга қадар у сенга душман бўлса, дўстга айлансин, илло дўст бўлса, душманга айланиб қолмасин.

Одамлар борки, олим эмас. Бўлмаса бўлмас. Олимлар борки, одам эмас.

Юксалишни истасанг, бошқаларни кўтар...

Биров сенга душман бўлиши учун сен унга душман бўлишинг шарт эмас.

Билмаслик гарчи айб эмас, илло фазилат ҳам эмас.

... Инсон инсонни қалб кўзи билан кўра билмоғи даркор.

Сен ўзингга бошқаларнинг кўзи билан қара.

Сўз сизнинг ичингизда экан, у сизнинг қулингиз, ташқарига чиққанида эса, сиз ўзингиз унинг қулига айланиб қолишингиз ҳеч гап эмас.

Ҳар бир киши ўзига ўзи ҳисоб бериб, ўзини ўзи тергаб, таъкиб этиб тургани маъқул. Чунки сизга энг яқин киши — сиз ўзингиз бўласиз. Виждонингиз билан маслаҳатлашинг.

Бировни ошириб-тошириб мақташ ортиқ даражада ерга уришдай гап. Ҳар иккаласида ҳам меъёр бузилади.

Ҳаммага ўхшаган одам ўзига ўхшамайди. Толёе шулким, ўзингга ўхшасанг.

Одамлар бир-бирларига янада яқинлашишлари учун гоҳо бир-бирларидан узоклашишлари ҳам керакка ўхшайди. Ана шунда улар бир-бирларининг исини, шевасини, дийдорини соғинади. Кимни ва нимани йўқотганини англайди. Бир-бирларига талпина бошлайди.

Эшитмай туриб эшитинг ва эшитиб туриб эшитмаслик санъатини мукаммал эгалланг.

Бирон ишга киришганда биламан деб киришманг. Билмайман деб киришсангиз, кўпроқ нарса билиб оласиз. Билиб билмагандан кўра, билмай билган яхшироқ.

Севинг-севилинг. «Мўлжал» билан эмас.

Гапирмасликнинг иложи қолмагандагина гапиринг.

Совуқ ақлга жиндай қалб эҳтироси қўшилса, жуда чиройли чиқади.

Бир одам дебди: Бу ер — меники!
Иккинчиси даъво қилибди: Йўқ, меники!
Ер дебди: Ҳар иккаловинг ҳам — меники!

Олимни олим қиладиган учта сифат бор. Бири у олдиндан кўриш, башорат қилиш қобилиятига эга бўлиши керак. Иккинчиси, ҳолис илмий тўғри фикрни айта олиши, далиллар, ҳатто, ўзига зид келган тақдирда ҳам, далилларини эмас, ўзини енга олиши ва бирдан-бир тўғри йўлни ихтиёр қилиши лозим. Учтинчиси — фидойилик.

Ҳар қандай чиқишнинг тушиши ҳам муқаррар.

Одамларни мен билмасам, одамларнинг ўзлари ўзларини билдириб қўйишди. Куттириб ўтиришмади.

Ҳаётнинг нима эканини ўлимга маҳкум этилган кишидан кўра чуқурроқ ҳис этадиган ҳилқат бўлмаса керак.

Ким зўр — ўз ожизлигини билган одам зўр. Чунки, у бунинг иложини қидиради. Ким ожиз — ўз қудратига ортиқ ишонган одам ожиз. Сабаби, уни гафлат босади.

Муҳаббат бор жойда — шафқат, шафқат бор жойда — муруват, муруват бор жойда — оқибат ва мукофот бор.

Қонун бор жойда инсоф, ҳоким бор жойда ҳукм, инсоф бор жойда адолат, адолат бор жойда инсон бор.

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

Республика таълим маркази-да "Ёшлар ютуқлари" (JAU-Junior Achievement of Uzbekistan) нодавлат нотижорат ташкилоти Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда яратган дарсликларнинг тақдими бўлди.

Бугунги кунда АҚШнинг "Ёшлар ютуқлари" ташкилоти томонидан тайёрланадиган дарслик ва қўлланмалар ўқувчи-ёшларнинг иқтисодий билимини ошириш, ижодий фикрлашнинг ривожлантириш ҳамда ўқитишнинг замонавий усуллари тарғиб этишда дунёнинг 112 мамлакатда асосий дастур сифатида қўлланилмоқда.

Халқ таълими вазирлигининг мазкур ташкилот билан етти йиллик ҳамкорлиги мобайнида юқори синф ўқувчилари учун "Амалий иқтисодиёт" дарслиги ва машқлар тўплами, макроленд ҳамда иқтисодиёт ва менежментни моделлаштириш компьютер дастурлари, умумтаълим мактабларининг ўрта бўғини учун "Шахс иқтисодиёти", "Бизнес муаммолари", "Халқаро бозор" ва "Иқтисодиёт: мактаб худудида" китоблари юртимиз шароити, иқтисодига мослаштирилган ҳолда ўзбек ва рус тилларида нашрдан чиқарилди. Бу дарсликларнинг ҳар бирига ўқитувчилар учун услубий қўлланмалар ҳам яратилди.

Хулқар СОДИҚОВА,
ЎЗА мухбири.

СЕМИНАР ЯКУНЛАНДИ

Тошкентда жамоатчилик фаолияти бўйича ўқув курсини ишлаб чиқиш лойиҳаси доирасида "Ижтимоий ишга кириш" мавзусида уч кунлик семинар бўлиб ўтди. Тадбир Тошкент шаҳридаги "Ресурс маркази" жамоатчилик жамғармаси томонидан "Ўзбекистон Очиқ жамият институти" кўмак жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистон Миллий университети, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ҳамда Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтининг ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчилари иштирок этди. Зеро, айнан мана шу олий ўқув юртида мазкур соҳада малакали мутахассисларни тайёрлаш учун зарур бўлган янги ўқув курсини жорий қилиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, тадбирга Саратов давлат техника университети-нинг ижтимоий ишлар ва антропология кафедралари ўқитувчилари ҳам таклиф этилди.

Семинар давомида оила ва ногиронлар билан ижтимоий ишлаш, жамоатчилик фаолиятини касб ва мутахассислик сифатида ривожлантириш, ушбу соҳада хорижий назария ҳамда маҳаллий тажриба, тармоқлараро ўзаро ҳамжиҳатлик ва мазкур курсни ўқитиш услублари каби энг муҳим масалалар кўриб чиқилди.

ЎЗА.

«ТОШКЕНТВИЛОЯТСАВДО»

акциядорлик компанияси 2003 йил 5 апрель куни соат 10.00 да акциядорларнинг йиллик умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Афросиёб кўчаси, 2-уй, «Тошкентвилоятсавдо» АКнинг «Бизнес-марказ» биноси. Мўлжал: метронинг «Косманавтлар» бекати, «Марварид» дўкони ёнида. (Акциядорлар реестри 2003 йил 6 март санаси билан ёпилади)



КУН ТАРТИБИ:

1. «Тошкентвилоятсавдо» акциядорлик компанияси бошқарувининг 2002 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.
2. Компаниянинг 2002 йилги бухгалтерлик балансини тасдиқлаш.
3. Тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш.
4. «Компаниянинг 2002 йилдаги фаолияти тўғрисида»ги аудиторлик текширув хулосасини тасдиқлаш.
5. Компаниянинг 2002 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш ва дивидендлар тўлаш ҳақида.
6. Компаниянинг 2003 йил учун ҳаражатлар ва даромадлар сметасини тасдиқлаш.
7. Компаниянинг 2003 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. Компания чиқарган IV эмиссия акцияларини жойлаштиришнинг бориши тўғрисида.
9. Компания Низомига қўшимча ва ўзгартиришларни тасдиқлаш.
10. Кузатув кенгашини сайлаш.
11. Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш.
12. Бошқарув раисини тасдиқлаш.
13. Компаниянинг йирик олди-сотди шартномаларини тасдиқлаш.
14. Бошқа масалалар.

Саволлар билан
152-11-71, 152-11-74 телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин.
Кузатув кенгаши.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилояти «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси шуни маълум қиладики, вилоят аҳолиси учун марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун 2003 йил 5 мартдан қуйидаги ойлик тарифлар белгиланади (вилоят ҳокимлиги молия бошқармасининг 2003 йил 20 февралдаги NTB-8-2003/1реестри):

Марказлашган иситиш — уй-жой майдонининг ҳар бир квадрат метри учун 63 сўм 94 тийин;
иссиқ сув таъминоти — 1 кишидан 1073 сўм 71 тийин,
ҳисобга олиш асбоблари бўлса — 1 куб метр учун 143 сўм.



РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИДА

17, 19, 21 февраль кунлари бўлиб ўтган биржа савдоларида Янгийўл, Пскент туманлари, Оҳангарон, Чирчиқ, Тошкент шаҳарлари худудида жойлашган 5та жами 18800000 сўмлик нодавлат кўчмас мулк объектлари, Қибрай туманида жойлашган 7та 3222500 сўмлик нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой бинолари сотилди.

«ЯНГИЙЎЛ ЁҒ-МОЙ» ҲЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2003 йил 1 апрель соат 9.00да Янгийўл шаҳар маданият уйида (Самарқанд кўчаси, 190-уй) «Янгийўл ёғ-мой» ҲЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик мажлиси бўлишини маълум қилади.
Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 8.00дан бошланади.

Кун тартиби:

1. Дирекциянинг 2002 йилги молия-ҳўжалик якунлари ҳақида ҳисоботи ва уни тасдиқлаш.
 2. Йиллик баланс, 2002 йилги соф фойда ва зарарларни тасдиқлаш.
 3. Тафтиш комиссиясининг 2002 йил учун ҳисоботи ва уни тасдиқлаш.
 4. 2002 ишлаб чиқариш йили бўйича мустақил аудиторнинг хулосасини тасдиқлаш.
 5. 2002 йил молия-ҳўжалик ишлари якунлари бўйича соф фойдани тақсимлаш.
 6. Жамиятнинг 2003 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
 7. Жамиятнинг 2003 йил учун мустақил аудитор фирмаси «Daili-audit»ни тасдиқлаш.
 8. Кузатув кенгашининг 2002 йил ҳисоботи.
 9. «Янгийўл ёғ-мой» ОХЖга Кузатув кенгашини сайлаш.
 10. «Янгийўл ёғ-мой» ОХЖ директорини тасдиқлаш.
 11. «Янгийўл ёғ-мой» ОХЖнинг «Бажарувчи органи ҳақида», «Кузатув кенгаши ҳақида» ва «Умумий мажлис ҳақида»ги низомларга ўзгартириш киритиш.
 12. Тафтиш комиссиясини сайлаш.
 13. «Янгийўл ёғ-мой» ОХЖ Уставига ўзгартириш киритиш.
- Кун тартибида белгиланган масалалар бўйича тугилган саволларга акциядорлар куйидаги манзил бўйича жавоб олишлари мумкин:
Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 352-уй, «Янгийўл ёғ-мой» ҲЖ. Тел: 2-63-94.



01.01.2003 йил якунига «Янгийўл ёғ-мой» ҲЖнинг
БУХГАЛТЕРЛИК БАЛАНСИ:

АКТИВ	МИНГ СЎМ.
1. Узоқ муддатли активлар	1527096
2. Айланма активлар	148581
БАЛАНС:	2575677

ПАССИВ	МИНГ СЎМ.
1. Айланма маблағ манбалари	1956198
2. Мажбурият	619479
БАЛАНС:	2575677

Бор бўлсин шундай одамлар

Сен қилган хайрли ишдан ёши улуг одамлар хурсанд ва миннатдор бўлиб, астойдил дуо қилсалар, албатта, ижобат бўлар экан. Хар гал шу ҳақда ўйлаганимда дўстимнинг никоҳ кечасидаги бир воқеа ёдга тушаверади. Унинг тўйига ҳамма йиғилиб бўлган,

«Тўйлар муборак» ашуласини бошлаб юборишди. Бир зумда ўйин-кулги бошланиб, тўй авжига чиқди. Остонадан дамба-дам чиқиб турган уй соҳиби икки қўлларини кўксиларига қўйиб, санъаткорларга раҳматлар айтардилар. Шу тариха тантана алламаҳалга-

қўйиб миннатдорчилик изҳор этдилар Зиёд ака, — айтганингиз келсин.

Дуонинг ижобатини қаранг. Кўп ўтмай Зиёд ака республика газетасига муҳаррир қилиб тайинландилар. Бу лавозимда узоқ йиллар муваффақиятли ишлаб, газетанинг янада оммалашуви, ўқишли, мазмунли бўлиб чиқишига муносиб ҳисса қўшдилар. Сўнгра республика матбуот кўмитаси раислигига тайинландилар. Бу вазифада ҳам ўзларига гард юқтирмай муваффақиятли фаолият кўрсатдилар. Нафақага чиққанларидан сўнг ҳам тинч ўтиришни лозим кўрмадилар. Узоқ йиллар «Ўзбекистон матбуоти» журнаliga раҳбарлик қилдилар. Унинг фарзандлари ҳам ўқимишли, эл-юрт қорига ярайдиган, садоқатли инсон бўлиб етишдилар.

Бутун ҳаёти давомида фақат юртга яхшилик қилишни ўйлайдиган, ҳар қандай шароитда ҳам адолат, ҳақиқат учун курашадиган инсонлар қаримайдилар, тетик юрадилар, узоқ умр кўрадилар, деб бежиз айтмайдилар. Бу сўзлар устоз матбуотчи Зиёд Есенбоев ҳақида айтилгандек назаримда.

Ниятим орамизда ана шундай кишилар кўпайсин, ҳаммаша эл дуосини олиб юришсин.

Носир РИХСИЕВ.

ДУОНИНГ ИЖОБАТИ

тўкин дастурхон атрофида ўтиришарди. Лекин, санъаткорларнинг йўқлиги учунми тантана унчалик қизимас, қовушмаётган эди. Уй эгаси бўлган кекса отахон ҳам буни сезар, безовта бўлгандек кириб-чикиб турарди. Дўстим ўзича дерди: «Наҳотки тўйимиз санъаткорларсиз ўтса?» Шу пайт тўйхонага газетанинг ўша пайтдаги бош муҳаррири Зиёд ака ёнларида машҳур хонанда Асқар Убайдуллаев ва созанда Фанижон Тошматовлар билан биргаликда кириб келдилар. Гўёки қоронгу хонага чироқ ёқилгандек бўлиб кетди. Ҳамма қарсақ чалиб юборди. Санъаткорлар ҳали жойлашиб улгурмаслариданок

ча давом этди. Ниҳоят, кечага яқун қилинди. Ҳамма бирин-кетин тарқала бошлади. Созандалар ҳам кетишга чоғлана бошладилар. Шу пайт отахон кириб келдилар ва кулук қилдилар.

— Қани ўғлим, — дедилар Зиёд акага қараб, — қиблага қараб қўлингни оч. Сўнг дуо қила бошладилар: «Аввало тани-жонинг соғ бўлсин, эл-юртга хизмат қилишдан чарчама, кам бўлма, мартабанг бундан ҳам зиёда бўлсин. Фарзандларинг ўсиб-улғайсин, роҳатини кўргин». Мен ҳам бу гапларни завқланиб эшитиб турардим.

— Раҳмат, отахон — деб икки қўлларини кўксиларига

Bolalik bog'i

KO'NGIL O'XSHAR QUYOSHGA

Ko'ngil o'xshar quyoshga, Mehri mo'lligi uchun, Ko'ngil o'xshar quyoshga. Barchaga tengligidan,



Beqiyos kengligidan, Ko'ngil o'xshar quyoshga. Pliqligi mangudir, Tiniqligi ko'zgudir, Ko'ngil o'xshar quyoshga. Saxiylik ramzidir u, Boqiylik ramzidir u, Ko'ngil o'xshar quyoshga. Quyoshga etdim qiyos, So'zimga ko'nglim asos, Ko'ngil o'xshar quyoshga.

Barot ISROIL.



Халқ табобати

АРПА

Арпа унидан тайёрланган қайнатма табобатда ураб оладиган, яллиғланишни қайтарадиган, умуман қувватга киргизадиган ва диабетга қарши восита сифатида қўлланилади. Уткир меъда-ичак касалликлари билан огриган беморларга арпа дони ёки йирик қилиб тортилган арпа унидан тайёрланган қайнатмалар истеъмол қилиш фойдалидир.

Ибн Сино фикрига қараганда, арпа аъзоларни тозалайди, кукрак огригига даво бўлади. У эмизикли аёллар сутини кўпайтириш учун арпага кашнич уруғларини қўшиб истеъмол қилишни тавсия этади.

Арпа парҳез таомлар учун масаллиқ тариқасида замонавий табобатда кенг қўлланилади. Арпада одам танасига сингмайдиган клетчатка кўп булганлиги учун ортиқча эт қўйган кишилар овқатига арпани кўпроқ ишлатиш уларнинг озишига ёрдам беради. Арпада осон сингидиган витаминлар булганлиги учун арпадан тайёрланадиган парҳез таомлар йирингли тери касалликлари, псориаз, гуш касаллигида анча наф беради. Гастрит, меъда, ичакларнинг яра касаллиги, атеросклероз, гипертония, қандли диабет билан огриган касалларга ҳам арпа уни ёрмасидан тайёрланган таомлар буюрилади.

Тайёрлаш усули: Ундириб, янчилган арпа унидан 2 ош қошиқ олиб, устига бир литр сув қўйилади-да, аралаштириб, 4 соат қўйиб қўйилади. Кейин сузиб олинади ва таъмга қараб, шакар билан қўшиб 1/2 стакандан кунига 4-6 маҳал ичилади.

Қулганга Нима Етсин!

Ўқув йили тугаб, таътилга чиққан ўғил отасига:

— Дада, менга раҳмат денг, мушкулнингиз осон бўлди! — деди.

— Нега энди?

— Бу йил менга янги дарсликлар сотиб олмайсиз. Синфда қолдиришди.

Йўловчи бекат навбатчисига:

— Сўнги икки-уч йилда поезднинг биринчи марта кечикмай, жадвал бўйича аниқ вақтда келаяпти, — деди.

— Лекин, бу кечаги поезд, биродар!

Камокда.

— Нимага қамалгансан!

— Иш вақтида дарчани очиб юборганим учун.

— Қаерда ишлар эдинг?

— Сувошти кемасида...

"ПАХТАКОР":

ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) ташаббуси билан ўтган йили қитъа чемпионлар лигаси ташкил этилиб, унда юрти-миз спорт шарафини икки жамоа — "Нефтчи" ва "Пахтакор" ҳимоя қилишга киришган эди.

Фарғоналиклар чемпионлар лигасининг гуруҳ баҳсларига етиб келолмаган бўлса, беллашувларни иккинчи босқичдан бошлаган пахтакорчилар бу вазифани уддалади. Гуруҳ баҳсларига бўлган йўлда "Пахтакор" футболчилари Иорданиянинг "Ал-Виҳдат", Қатарнинг "Ал-Иттиҳод" ҳамда Бирлашган Араб Амирликларининг "Ал-Ахли" жамоаси билан куч синашиб, иккитадан учрашувлар натижасига кўра араб жамоаларининг барчасини ортада қолдирди.

ОФК "Пахтакор" жой олган гуруҳ баҳсларини Тошкентда ўтказишга қарор қилган. Ўз муҳлислари олдида чиройли ва ишончли ўйин кўрсатиш истагида бўлган пойтахт жамоаси футболчилари март ойида бошланадиган беллашувларга жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

Куни кеча "Пахтакор" жамоасининг Туркияда ўтган навбатдаги ўқув-машғулот йиғини якунланди. 12 февраль куни сафарга жўнаб кетган пахтакорчилар у ерда учта ўртоқлик учрашуви ўтказди. Дастлабки беллашулда пахтакорчилар Руминиянинг "Интергаз" жамоасига қарши тўп сурди. 17 ёшли ҳужумчи Марат Бикмаев томонидан руминлар дарвозасига киритилган ягона тўп тошкент-



ликларга ғалаба келтирди. Кейинги рақиб Жанубий Кореянинг етакчи жамоаларидан бири — "Хундай" эди. Ушбу ўртоқлик учрашувида ҳам вакилларимизнинг қўли баланд келди. Жанубий Корея футболчилари "Пахтакор" дарвозасини уч марта аниқ нишонга олган бўлса, ҳамюртларимиздан Б.Ҳамидуллаев икки марта, А.Крохмаль ва Л.Кошелев эса бир мартадан гол урди. Туркиядаги сўнги ўртоқлик учрашувида Махачқалъанинг "Анжи" жамоаси билан дуранг қайд этилди — 1:1.

Шундай қилиб, мартнинг иккинчи ҳафтасида Осиё чемпионатининг гуруҳ баҳслари бошланади. "Пахтакор"нинг бу босқичдаги асосий рақиб Эроннинг "Пирузи" жамоасидир. Ироқнинг "Ат-Талаба" жамоаси мусобақага келмаслиги мумкин. Гуруҳда "Ниса" (Туркменистон) жамоаси ҳам бор.

Зоҳир ТОШХҲҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

Марказий ҳарбий-спорт клубида 1985-1995 йилларда таваллуд топган болалар ва ўсмирлар ўртасида қаратэ бўйича III-Ўзбекистон чемпионати ниҳоясига етди. Уч кун мобайнида 1500 қаратэчи ғолиблик учун беллашди.

Вилоятимиз вакили бекободлик Парфез Абдумавлонов Наманган вилояти вакили Достон Турғунов билан куч синашди. Қаратэ бўйича оилавий сулола вакили бўлмиш Парвез бу жангда ҳам бор маҳоратини ишга солиб, рақибини 3:2 ҳисобида мағлуб этди ва Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритди.

Ўз мухбиримиз.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТДА ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-80.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот кўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
сахифаланди.

• Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.